

ГРАНТ ЛОЙИХАСИ АСОСИДА ТАРИХИЙ ҚАДАМЖОЛАРГА САЁХАТ УЮШТИРИЛДИ

Маржона Ўринова

Аввал хабар берганимиздек, "Юрт таровати" газетаси таҳририяти 2023 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан эълон қилинган грант танловида ўзининг "Ёшлар муаммоси-жамият муаммоси" номли лойиҳаси билан иштирок этиб, ғолиб бўлган эди.

Лойиҳада ёшлар иштирокида вилоятнинг тарихий манзилларига саёхатлар уюштириш, уларнинг турли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашувларини ташкил этиш орқали муаммоларга ечим топиш кўникмасини шакллантириш соҳаларида ҳам қатор ишлар амалга оширилиши белгиланган.

Шунга кўра, яқинда "Юрт таровати" газетаси таҳририяти томонидан Қарши шаҳридаги Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ ва Халқаро инновацион университети НТМнинг иқтидорли талабалари, ИИВ Қашқадарё академик лицейининг ўқувчилари, адиба ва журналистлардан иборат бир гуруҳ фаол ёшлар иштирокида бир қатор ташкилотлар раҳбарлари билан учрашувлар ҳамда вилоятимизнинг машҳур тарихий манзилларига саёхатлар ташкил этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қашқадарё вилоят Халқ қабулхонасида бўлишди.

Бу ерда иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойлардаги Халқ қабулхоналари, уларнинг фаолият кўлами ҳақида кўплаб маълумотлар олишди. Шу жумладан, Қашқадарё вилоят Халқ қабулхонаси томонидан олиб борилаётган ишлар, эришилган натижалар билан танишди ва иштирокчиларга Халқ қабулхонаси томонидан китоблар совға қилинди.

Навбатдаги манзил Қарши шаҳрида жойлашган "Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ" зиёратгоҳи бўлди. Бу ерда иштирокчиларга мазкур зиёратгоҳ тарихи ва унинг ислом оламидаги ўрни ҳақида кенг маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Мазкур зиёратгоҳда Ислом динини биринчиларидан бўлиб қабул қилган, пайғамбар Муҳаммад (с.а.в)нинг энг буюк саҳобаларидан бири бўлган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳнинг рамзий мақбараси жойлашган. XIV аср охирларида Соҳибқирон Амир Темур Шом ерларини забт этган пайтда улуғ саҳобалардан бири Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ қабри хокидан келтириб Қарши шаҳрида дафн эттирган ва у ерга мақбара қурдирган.

Мақбара тўртбурчак тарҳли, пештоқгумбазли, пишиқ ғиштдан қурилган, бош пештоғи бурчакларига буржлар ишланган, ён деворларида меҳроб шаклидаги деразалар бўлиб, панжаралар ўрнатилган. Мақбара ичи ганч ўймакорлигида пардозланган.

Дастлаб ушбу мақбара ўта таъмирталаб аҳволга келиб қолган эди. 2012-2013 йилларда ушбу ҳудудда жуда катта таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, зиёратчилар учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Тадбир иштирокчиларининг кейинги манзили Қарши тумани Қовчин қишлоғида жойлашган "Абу Муин ан-Насафий" зиёратгоҳи бўлди.

Бу ерда йиғилганларга Абу Муин ан-Насафий ҳаёти ва ижоди, буюк ватандошимиз мангу қўним топган ва ва бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақида кенг маълумот берилди.

Таъкидланганидек, Ислом дунёсида "Ҳақиқат қиличи" рутбаси билан танилган Абу Муин ан-Насафий мотуридия таълимоти дунёга ёйилишига катта ҳисса қўшган бўлиб, ўз даврида ибҳоия, хорижия, муътазилия, қадария, жабария каби ботил фирқаларга раддиялар берган. Бинобарин, у зот илмий меросини доим ўрганиб, ёшлар орасида кенг тарғиб этиб бориш даркор.

Иштирокчилар Президентимиз ташаббуси билан ушбу зиёратгоҳда амалга оширилган ободонлаштириш ишлари, мажмуадаги музей ва кутубхона фаолияти билан танишишди.

Тадбир иштирокчиларининг навбатдаги манзили бўлган "Султон Мир Ҳайдар ота" мажмуаси ҳам халқимиз тарихи, маънавиятининг ўчмас бир бўлаги ҳисобланади.

Султон Мир Ҳайдар ота 1275 йилда Хуросоннинг Қойим шаҳрида дунёга келган. Отаси Шайх Жамолиддин мадрасада талабаларга дарс берган. Шу боис Мир Ҳайдарни асосан амакиси Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ тарбия қилган. 4 ёшида мадрасага бориб, беш ёшида алифбо ва ёзувни ўрганган, 6-7 ёшлигида ҳадисни ёд олиб, қориларга шогирд тушган. У Шайх Жалолиддин Кўҳакий, Абдулло Замахшарий, устоз Оловуддовла ва Шайх Хуросонийдан Қуръон, ҳадис, фикҳ, масала, ижмо, қироат илми ва тавжид қондасини ўрганади. Тўққиз ёшлигида Қуръони каримни етти хил қироат қиладиган даражага етган. Ўн ёшида амакиси билан Ҳажга борган. Султон Мир Ҳайдар Ислом оламининг энг буюк уламоларидан бири бўлиб етишган.

Тадбирда иштирокчилар "Султон Мир Ҳайдар ота" мажмуасининг тарихи, мустақиллик йилларида бу ерда амалга оширилган таъмирлаш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шундан сўнг гуруҳ аъзолари Косон туманидаги "Қусам ота" мажмуасига йўл олишди.

"Қусам ота" зиёратгоҳи Косон туманининг Пудина маҳалласида жойлашган бўлиб, унинг тарихи ислом оламида машҳур уламо, яссавия тариқатининг шайхи ва Баҳовуддин Нақшбанднинг устози бўлган, дея эътироф этиладиган Ибн Муҳаммад Қусам Шайх номи билан боғлиқ.

Қусам Шайх ҳақида маълумотлар кўп эмас. Манбаларда унинг XI асрнинг охири (1198-1199) ва XIII аср ўрталарида (1336-1338) яшаб ўтгани, 140 йил атрофида умр кўргани айтилади.

Қусам Шайх она томондан тасаввуф илмининг буюк намоёндаси, "Яссавий" тариқатининг асосчиси, туркий шеърятининг йирик вакилларида бири Хожа Аҳмад

Яссавийнинг авлодларидан бўлган. Отаси эса Бухоролик Ҳусайн Шайх авлоди - Хонзода Муҳаммад Ҳожа исмли киши бўлгани айтилади.

Манбаларда таъкидланишича, Қусам Шайх укалари Мансур Муҳаммад ва Исъҳоқ Муҳаммадлар билан араб мамлакатларига бориб, билимларини оширишган. Шундан сўнг укаси Мансур Муҳаммад Балх подшосининг илтимоси билан пирлик қилиш учун Балх шаҳрида қолган. Исъҳоқ Муҳаммад эса ҳозирги Миришкор туманига бориб, ёшларга илму ўргатишга киришган.

Қусам Шайх эса ҳозирги Косон туманининг Пудина қишлоғини макон тутди. Боиси ўз вақтида Имом Ал-Бухорий ҳам маълум муддат шу қишлоқда бўлган, балки шунданир бу ерда ислом илми, айниқса, ҳадисшунослик мактаблари жуда ривожланган эди. Қусам Шайх эса ўзининг билими, кўп йиллик меҳнатлари билан бу ерда илм-фан ривожини янада юксак босқичга олиб чиқди. Кейинчалик илм-фан, адабиёт, ислом дини тараққиётида катта ном қозонган бир қатор инсонлар ўз вақтида Пудинага келиб, Қусам Шайх ҳазратларидан сабоқ олишган. Хусусан, ислом оламининг энг машҳур авлиёларидан бири, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳовуддин Нақшбанд ҳам бир неча йил давомида Пудинада яшаб, Қусам шайхдан илм ўрганган. Ўз ўрнида шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, айти пайтда "Қусам ота" зиёратгоҳи ёнида улкан тут дарахти мавжуд. Ривоят қилишларича, қарийб етти асрлик тарихга эга ушбу дарахтни Баҳовуддин Нақшбанд ўз қўли билан эккан экан. Шу боисдан ҳам маҳаллий аҳоли дарахтни "Баҳовуддин Нақшбанд дарахти" деб аташади.

Қусам Шайхнинг хизматлари сабабли Пудина қишлоғи ва бу ерга ёндош ҳудудларда кўплаб илм масканлари қурилган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам бизга қадар етиб келмаган. Бу ердаги сақланиб қолган асосий мажмуа "Қусам ота" зиёратгоҳидир. Бироқ у ҳам бир муддат эътибордан четда қолиб, таъмирталаб аҳволга келиб қолганди. Мустақилликдан сўнг халқимиз тарихининг бир бўлаги бўлган маданий мерос объектларини таъмирлаш, сақлаш ва келажак авлодларга ҳам етказиб бериш борасида амалга оширилаётган ишлар "Қусам ота" зиёратгоҳини ҳам четлаб ўтмади. Зиёратгоҳда бир қатор таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Сўнгги йилларда эса бу борадаги ишлар янада кенг қўламли тус олди.

Масъулларнинг маълумот беришича, ўтган йили маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан зиёратгоҳга олиб келадиган йўлнинг 700 метр қисмига 8 метр энлиликда асфальт қопламаси ётқизиблиди. Шунингдек, 1500 метр узунликда пиёдалар йўлакчаси қурилиб, атрофига ёритиш чироқлари ўрнатилган. Йўл бўйларида манзарали дарахт ва гул кўчатлари экилди. Зиёратгоҳ ёнида замонавий автотураргоҳ барпо этилибди.

Эътибори томони, зиёратгоҳда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик, ободонлик ишларидан маҳалла аҳли, ҳомийлар ҳам четда эмас. Ўтган йили зиёратгоҳга ҳомийлар томонидан қиймати 100 миллион сўмлик дарвоза, 200 миллион сўмлик артезан қудуғи қуриб берилибди.

Шунингдек, зиёратгоҳ олдида тадбиркор Жаббор Ҳалилов томонидан қиймати 12 миллиард сўмлик масжид биноси қурилмақда. Ушбу масжид ҳам қуриб битказилгач,

бу "Қусам ота" мажмуаси билан ўзаро яхлитлик касб этиб, ҳудуднинг туристик жозибadorлигини ҳам янада оширади.

- Вилоятимиз улкан туристик салоҳиятга эга, воҳамизда кўплаб тарихий обидалар, зиёратгоҳлар жойлашган, - дейди халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят ташкилоти раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адиба Шарофат Ашурова. - Албатта, ёшларнинг ушбу зиёратгоҳ ва обидалар тарихи, бу ерда яшаб ўтган авлиё, олиму уламолар ҳаёти ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиши уларнинг қалбидаги ватанпарварлик ҳиссини янада оширади. Бугунги саёҳатимиз давомида ҳам иштирокчилар вилоятимиздаги кўплаб ана шундай тарихий масканлар, буюк уламоларимиз ҳақида янги-янги маълумотларга эга бўлишди, деб ўйлайман.

Лойиҳа доирасида тайёрланган, "Ёшлар муаммоси-жамиyat муаммоси" мавзусидаги буклетлар тарқатилди.

Насиба ИБРАГИМОВА,
Грант лойиҳа раҳбари

ЁШЛАР ВА РЕКТОР УЧРАШУВИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Вилоят мусиқали-драмма театрида Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМ ректори Отабек Бозоров ҳамда мазкур университетда таҳсил олаётган талабалар иштирокида "Ректор ва ёшлар" учрашуви ташкил этилди.

Тадбирда ректор Отабек Бозоров Иқтисодиёт ва педагогика университети НТМнинг фаолияти, ўтган 2023 йилда қўлга киритилган натижалар ҳамда галдаги режалар хусусида сўз юритди.

Шунингдек, у ўз нутқида юртимизда ёшлар сиёсати борасида олиб борилаётган ислохотлар, яратилган имкониятларга эътибор қаратди. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, орзу-умидларини рўёбга чиқариш масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани, ёшлар ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариши учун кенг имкониятлар яратиб берилаётганлиги таъкидланди.

Тадбирда турли тадбир ва танловларда фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ ёшлар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир сўнгида вилоят мусиқали-драмма театри ижодий жамоаси томонидан сахналаштирилган "Абу Муин ан-Насафий" спектакли намоиш этилди.